

UDC 62

### НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИНИНГ ЁШЛАРНИ КАСБГА ЎРГАТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Д.Н. Наимова<sup>1</sup>

#### Аннотация

Ушбу мақолада ёшларни касбга ўргатиш жараёнида маънавиятнинг ўрни тўғрисида, шунингдек санъат ва маданиятнинг каштачилик сирлари ҳақида фикр юритилган.

*Таянч сўзлар:* Тарбия, санъат, мураббий, каштачилик, меҳнат, касб-ҳунар, таълим

Ёшлар тарбияси ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан бўлиб, ҳар бир ота-она, устоз, мураббий бу муаммо юзасидан ўзининг ўзига хос услубларини излашади. Тарбиянинг ахлоқий томони эса унинг қандай шакллаётганлигига боғлиқ. Маънавиятни юксалтириш энг асосий вазифа ҳисобланиб, ёшларнинг инсонга хос руҳияти, қалби, ички дунёси, иродаси, иймон-эътиқоди, виждонини тарбиялаш зарур. Бу масалалар хусусан Бухоройи Шарифнинг буюк пирларидан бўлган Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида махсус ўрганилган ва эътибор берилган. Нақшбанд таълимоти инсонни ҳалол луқмага риоят, қаноат, ўз меҳнати билан кун кечиришга чақириш бор. Бу тамойил эса уларни жаҳонга машҳур қилган “Дил ба ёру, даст ба кор!” - “Қўл ишдаю, қалб Оллоҳда” шиорини келтириб чиқарган. Бу шиор эса Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан ворис бўлиб кирган. Ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувоний буюрганлар: “Халқни оғирини енгил қилмоқ керак. Бу эса фақат “Қўл меҳнатда ва қалб Оллоҳда” дейилган. Яъни халқнинг оғирини енгил қилиш керак, бунинг учун эса меҳнат қилиш керак, қўлни ишда банд қилиб, қалбда Оллоҳни асраш лозим. Фақат шу йўл билан кишиларнинг оғирини енгил қилиш мумкин. Нақшбандия таълимотида инсон ҳалол меҳнати билан кун кечириши, оллоҳ деб узлатга чекиниб эмас, балки касб-ҳунар ўрганиб, ҳалол меҳнат қилиши, жамоага фойда келтирадиган, керакли ишлари билан вақтини, умрини ўтказмоғи лозим. Чунки ҳалол меҳнат жараёнида инсон нафсини жиловлайди, ўзини танийди ва тангрини танийди.

Бутун борлиқ гултожи , бутун олам меҳвари Ҳазрати Инсон қўлидан хайр, эзгу ишлар келади. Нақшбандия таълимотида “Даст ба кор” яъни “Қўл ишда” шиори моҳиятини англаш мақсадида “Инсон қўли” тушунчасини таҳлил этишди. “Инсон қўли” тушунчасини кенг ва тор маънода қўллаш мумкин. Тор маъносида инсон танасининг бир узви бўлган ва инсонни ҳаракат ва меҳнат жараёнидаги асосий ролни бажарадиган қўлидир. Кенг маънода-инсон салоҳияти, иқтидори, инсон қила оладиган барча ишлар. Қўл меҳнатининг янги шакллари: овқат пишириш, уй-жой қуриш, кийим-кечак тикиш, касб-ҳунарлар - кулолчилик, заргарлик, тўқувчилик ва бошқалар. Қўл , сўзлаш органлари ва миянинг биргалашиб ишлаши, кишиларда тобора мураккаброқ ишларни бажаришга олиб келади. Қўл такомиллашиб, меҳнат, касб-ҳунар, илму-фан жараёнида фаол бўлди ва “моҳир қўллар” деган номга сазовор бўлди. Моҳир қўллар бугунги кунда самони забт этипти.

Инсон ақлий равишда қўлини пок ёки нопок қилиши мумкин. Ёш қизчаларимизни тарбиялаётган давримизда Нақшбанд таълимотини билишимиз ва унга амал қилишимиз фарзандимизни руҳини , қалб пок қилиб,

<sup>1</sup>Наимова Дилбар Нўмоновна, старший преподаватель кафедры «Технологии и оборудования легкой промышленности», Бухарский инженерно-технологический институт, Узбекистан.

меҳнатга меҳрли қилиб тарбиялашимизга катта ёрдам беради. Ўзбек қизларини боғча ёшидан қўлини ҳунарга ўргатмоғимиз лозим, бунинг учун боланинг характерини ўрганган ҳолда, педагогиканинг барча услубларидан фойдалансак яхши натижа беради. Масалан она кашта тикса, гарчи у педагог бўлмасада, ёнига қизчасини ўтирғизиб, игна ушлашни ўргатиб, чиройли нақшлар чизиб, шунинг устидан игнада безак чок юргизишни меҳр билан ўргатса, қиз бола қизиқиб, шу ҳунарга меҳр қўяди, мустақил тикишга интилади, бошлаган ишини натижасини кўришга ошиқади. Ўргатиш жараёнида она ёки устоз каштачилик иplarини олиниши, уларни бўялиши, каштага солинадиган гуллар ва нақшларнинг маъноси ва мана шу гўзал санъат асари минглаб инсонларнинг қалбига нафосат олиб келиши, кўзларнинг қувонишига олиб келиши ҳақида маълумотлар бериб борса, унинг онгида гўзалликка интилишга биринчи қадам қўйган бўлади. Қиз болани эстетик диди шаклланиб боради, келажакда у ўзининг моҳир қўллари ва нозик диди ва тафаккури билан катта санъат асарларини яратиш минглаб инсонлар олқишига сазовор бўлади. Ҳунар ўрганибгина қолмай, ҳунар сирлари, қоидалари ва таълимотини ўрганади. Эзгуликка, гўзалликка меҳри бўлган инсоннинг қалбида ёмон ғоялар учун ўрин бўлмайди.

Тикувчилик ва тўқувчилик касблари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Тўқувчи матони тўқимаса, тикувчи матосиз кийим тика олмайди. Тикувчи бир либосни тикиши учун унга рассомчилик, математикани билиши муҳим ва оллоҳни таниши зарур. Матони чиройли эскизини чизиш учун расм солишни ўрганиши, унинг учун пропорцияни билиши, унинг учун эса математикани билиши, лойиҳасини тўғри чиқиши учун чизмачиликни пухта билмоғи, лойиҳасини амалга ошириш учун тикувчи- модельер бўлиши, матонинг эскизга тўғри келиш келмаслигини билиши, гавда тузилишига мос келишини, безаклари мақсадга мувофиқ бўлишини билиши учун дизайнер, матони келтирган инсоннинг талабини тушуниши учун касб сирларини мукамал ўрганиши ва тикаётган буюми чиройли чиқиши учун инсон руҳиятини яхши ўрганмоғи, тиккан буюмидан ҳалол ризқ топиб, яшашга ўрганиши учун буюрмачи ҳаққига хиёнат қилмаслигига риоя қилишида, унинг Нақшбанд таълимотидаги ҳалол касб орқасидан кун кечириши зарурлигини англаши жудаям муҳим. Ҳар қандай касб эгаси хоҳ у тикувчи булсин, тўқувчи, дурадгор, косиб, заргар, темирчи, таъмирловчи уста бўлсин Нақшбанд ва А.Ғиждувоний таълимотига биноан “қўл ишда” яъни касбдаю, “Қалб оллоҳда” яъни, уни доим назорат қилиб турадиган ва кузатадиган кўзлар ҳамиша уйғоқ эканлигини ҳис этса, касби— коридан, ишидан унум топади, б арака топади, ҳурмат-иззат топади, улуғланади. Бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик - тикувчи буюртмачининг матосидан кесиб олиб қолмасдан, имконини топиб, унинг кутганидан ҳам зиёда қилиб, бор маҳоратини ишга солиб, гўзал кийим яратиш берса, буюртма берган харидорнинг миннатдорчилигига, хурсандчилигига сазовор бўлиб, унга кўп буюртмалар келишига сабабчи бўлади, “ҳалол ризқ баракали бўлади” деган ибора шундан келиб чиқади.

*Фойданалган адабиётлар:*

1. Наврўзова Г.Н., Рахматова Х.Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси.

© Д.Н. Наимова, 2019.